

**Жанубий Ҳисор төғ меъморчилиги ва тураржойлар билан боғлиқ  
этник анъаналар**

**Ш. Чоршанбиев**

**Термиз давлат университети**

**Аннотация.** Ушбу мақолада этнографик материаллар асосида Жанубий Ҳисор төғ қишлоқлари аҳолисининг турар жойлар билан боғлиқ этник анъаналари, меъморчилик услублари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ҳисор ўлкаси, төғ меъморчилиги, доимий уйлар, синч, гувала, пахса, тош деворли уй, ички ҳовли, ташки ҳовли, ток сўри, айвон.

XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигининг Бойсун, Денов, Шеробод, Ҳисор бекликлари ҳудудлари Ҳисор ўлкаси деб аталган. Айниқса, Ҳисор тоғлари аҳолисининг турар жойлар меъморчилиги ўзига хос бўлган. Бу ердаги қишлоқлар асосан сой бўйларида, анҳор ёқаларида ташкил топган бўлиб, уйларни қуришда жойнинг табиий-географик қулайлигига эътибор қаратилган. Хусусан, уйжойлар қуриладиган ҳудудга қуёш ёруғлигини тушиш ҳолати, дарадан ўтадиган совуқ шамол йўлидан сақлаш, ёмғир ва селнинг сойга тез оқиб тушиши, уйларни сувга ва дехқончилик қиласидиган ҳудудларга яқинроқ жойларда қуриш, қолаверса табиий оғатлардан сақланиш каби масалаларга эътибор қаратилган. Шу боис төғ қишлоқларида уйлар асосан бир томонга, яъни сой томонга қаратиб қурилган. Сойдан тоққа томон баландлик бўлиб бориши уйларнинг бу тартибда қурилишига олиб келган. Уйларнинг олд томони эса шу баландлик ҳисобига қаватма-қават бўлиб төғ томон ортиб боради. Масалан Бойсун шаҳри атрофидаги Авлод, Сариосиё, Пассурхи каби қишлоқлар ва шунингдек, Мачай, Қизилнавур, Дарбанд, Қўрғонча, Даҳиболо, Дуоба каби қишлоқлар төғ ён бағрига 30-35 градус қиялика қурилган ва ўзига хос “кўп қаватли” уйни ташкил этган<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари аҳолиси меъморчилик анъаналари, уйжойлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари К.Л. Задихина, Б.Х. Кармишева,

<sup>1</sup> Нозилов Д.А. Төғ меъморлари – Тошкент, 1979. – 6-бет., Қаюмов А.Р. Жанубий Ҳисор төғ меъморчилиги анъаналари / Замонавий бадиий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти. Халқаро илмий конференция материаллари. – Бойсун, 2002 йили 23-28 май. – Бойсун, 2002. – Б. 99-101.

А. К. Писарчик, В.Л. Воронина, А.К. Жилина, К.Ш. Шониёзов, И.М. Жабборов, С.Н. Турсунов, О. Бўриев, Х.И. Исмаилов, И.О Ибрагимов, Г.Ш. Зунунова, Н.Турсунов, И.М. Хўжахонов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Бу каби табиий, хўжалик ва этник омиллар аҳолининг уй-жой қурилиши (ўтов, капа, чайла, хуржун том, тош том, синч том ва бошқа), ундан фойдаланиш (доимий, мавсумий), оила аъзолари ўртасида уй-жой тақсимоти (ўтрок ва чорвадор аҳолида) ва у билан боғлиқ кўпгина урф-одатларнинг ўзига хос тизими шаклланишига олиб келган. Бу худудда уй-жой қуришнинг қатор ўзига хос хусусиятлари аввало, ранг-баранг ландшафтлар (тоғ ва тоғ олди, адирлик ва даштлар) ижтимоий-иктисодий омиллар (ишлаб чиқариш куроллари ва воситалари билан таъминланганлик даражаси) ҳамда этник анъаналарга боғлиқ ҳолда ривожланган.

Узоқ асрлардан бўён давом этиб келаётган анъанага кўра шаҳарлик ва ўтрок қишлоқ аҳолиси хоналарда фақат совук даврлардагина истиқомат қилганлар. Кун исий бошлагандан то кеч кузгача асосий истиқомат қилиш жойи ҳовли ёки айвон бўлган. Айвонлар барча уйларда бир хил бўлмаса-да, яшаш жойи сифатида қулай ва баҳаво қилиб қурилган. Кўпгина ҳовлиларда мевали дараҳтлар ва ёғочдан баланд қилиб қурилган ток сўрилари бўлган. Ток сўрилари соясида тахта ёки лой супалар бўлиб, ёзниң иссиқ кунларида ҳам соя-салқин жой сифатида оиланинг кундалиқ ҳаёти шу ерда кечган<sup>2</sup>.

Жанубий Ҳисорда XX асрнинг бошларида ўтрок аҳолининг ижтимоий турмушида *синч, гувала, пахса, тоши деворли* каби доимий уйлар муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, ярим ўтрок аҳолининг мавсумий бўлган *лочиқ, капа, чўпон тўла, қора уйлар* асосий ўринни эгаллаган. Тоғ ва тоғ олди минтақаларида уй-жой ва хўжалик бинолари қуриш, майший хизмат иншоотлари – тегирмон, жувоз, кўприк, кудук, суғориш тармоқларининг бунёд этилишида кўпроқ анъанавий композициялардан фойдаланилган. Айниқса, "синч уйлар", "тош уйлар", ўтов тоғли ва тоғ олди адирликларидағи қишлоқларда яхши сақланиб қолган эди. Бойсун, Кўҳитанг, Қоратов, Боботоғ этакларида доимий турар жойлар асосан сой бўйларида, булоқлар атрофида, анхор ёқалари бўйлаб қурилган.

Воҳанинг тоғли ва тоғ олди ҳудуд аҳолиси билан чўл ҳудудида яшовчи аҳолининг турар жойлари ички тузилиши, жиҳозланиши, композицияси билан

<sup>2</sup> Народы Средней Азии и Казахстана. – М., 1963. Т. 2. – С. 352.

фарқ қилган. Одатда тоғ меъморчилигига уй-жой ва хўжалик бинолари қуриш, майший хизмат иншоотлари – тегирмон, жувоз кўпприқ, қудук, сугориш тармоқларининг бунёд этилиши муҳим ўрин тутган. Айниқса уй-жойларнинг қурилишида уста-меъморлар тоғнинг табиий-гиgienик хусусиятларини ҳам назарга олганлар. Жумладан, қишлоқни ёруғликка қаратиш, дарадан ўтадиган совуқ шамол йўлидан сақлаш, ёмғир ва селнинг сойга тез оқиб тушиш чорасини топиш, уйларни сув манбаига ҳамда дехқончилик қиласидиган жойларга яқинроқ жойлаштириш тадбирларини ҳамда қишлоқни табиий оғатлардан сақлаш чораларини кўрганлар<sup>3</sup>.

Тоғларда уйлар, аксарият тагхона, болохоналик қилиб қурилган. Чунки ҳалқ усталари бўлажак бино ўрнини пухталик билан ўрганиб, тез-тез бўлиб турадиган зилзила, жала, бўрон ва қор кўчишларини ҳисобга олган ҳолда қуришган. Тоғли ҳудуд аҳолисининг уйлари даҳлизли, дарчали ҳамда ён деворларида токчалар бўлиши билан ажралиб турган. Уйнинг ички томонини безашда аввал ерга чий (бўйра), унинг устидан кигиз ёки гилам тўшалган. Ҳар хил кашталар, қуръон ҳалта ва ойна деворга илинган<sup>4</sup>.

Архитектура фанлар доктори Д.Нозиловнинг таъкидлашича, Ҳисор ва Бойсун тоғ архитектурасида кўпинча синч девор қўлланилган ва буни Нурота тоғ қишлоқларига нисбатан сейсимик жиҳатдан юқори эканлиги билан изоҳланган. Бойсун ва Ҳисор тоғларининг устки қисми ўрмонзорлардан иборат бўлганлиги учун ҳам синч кенг қўлланилган. Тоғликлар уйнинг шамол эсадиган ва сел келадиган томонига тош девор ёки қўшсинчли девор қуришган<sup>5</sup>.

Шунингдек, Бойсунлик усталар йиғма уйлар (хиргоҳ, ўтов) ҳам ясашга жуда моҳир бўлишган. Улар фақат уй, масжид, меҳмонхона қурибина қолмасдан, балки маҳалла ва қишлоқларни туташтирувчи йўл ва кўпприқ қуришда ҳам фаол қатнашганлар. Масалан, қишлоқлар орасидаги тоғ йўли довонларда йўл созлаш, дарё, дараладан кўпприклар қуриш ва ҳокозо. Шундай иншоотлардан бири – “Бибишой кўприги” деб ном олган ўзига хос нарвон кўпприкнинг қурилишидир. Шу каби тоғ муҳандислиги намуналаридан Дехиболодаги масжид ва Мачай қишлоғидаги тош тандирнинг қурилиши ҳалқ муҳандислигининг

<sup>3</sup> Нозилов Д.А. Тоғ меъморлари – Тошкент, 1979. – 6-бет.

<sup>4</sup> Турсунов С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Тошкент, 2006. – 98-бет.

<sup>5</sup> Нозилов Д.А. Тоғ меъморлари. – Тошкент, 1979. – 14-бет.

намунасидир. Уларни қуришда халқ орасида турли урф-одатлар, маросимлар мавжуд бўлган. Жанубий Ҳисор воҳасида ярим ўтрок чорвадор аҳолининг турар жойлари мавсумий ва вақтингчалик бўлиб, уларни *лочиқ, ката, чум, чайла, чодир, ер том, тўла, чўпон тўла, боғ том, ўтов, қора уй, оқ ўтов, қизил ўтов* кабилар ташкил этган.

Хуллас, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Жанубий Ҳисор воҳаси тоғ қишлоқлари аҳолисининг анъанавий турар жойлари ва у билан боғлиқ урф-одатларда ўзига хос локал кўринишлар бўлиб, табиий муҳит ва шу шароитга мослашган тоғлик одамларнинг уй-жой қуришдаги меъморчилик анъаналари, сақланиб қолган миллий уй жиҳозлари ва безаклари этноқишлоқ туризмини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Бўриев О., Исмоилов Ҳ. Ўзбек халқининг анъанавий уй-жойлари// “Гулистон”. журнали., 2000., 4-сон., – Б.44-45.
2. Дониёроа А.Х., Бўриев О, Аширов А.А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Yangi nashr, 2011.
3. Ибрагимов И.О. История развития жилища населения степных районов Южного Узбекистана в конца XIX – начала XX вв. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1988. – С.16-17.
4. Қаюмов А.Р. Жанубий Ҳисор тоғ меъморчилиги анъаналари / Замонавий бадиий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти. Халқаро илмий конференция материаллари. – Бойсун, 2002 йили 23-28 май. – Бойсун, 2002. – Б. 99-101.
5. Народы Средней Азии и Казахстана. – М., 1963. Т.2.
6. Нозилов Д.А. Тоғ меъморлари. – Тошкент, 1979.
7. Рахмонов Ш.А., Қаюмов А.Р. Ҳисор савдо йўллари//Фан ва турмуш. – Тошкент, 1998. – № 1. – Б. 26-28.
8. Турсунов С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Тошкент, 2006. – 275 б.
9. Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX вв. – Ташкент, 1981. – С. 54-59.